

ҲЕЧ КИМНИНГ, АВВАЛАМБОР, МАРКАЗИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ САЙЛОВ ЖАРАЁНИГА АРАЛАШИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ.



O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

• 2009-yil • 6-oktabr • Seshanba • 119 (30.080) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

ЎЗБЕКИСТОН — УММОН: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 4-5 октябрь кунлари давлат ташрифи билан Уммон Султонлигида бўлди.

Уммон Султонининг саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига faxрий қоровул саф тортди. Давлат мадҳиялари янгради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Уммон Султони Қобус бин Саид faxрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ўзбекистон ва Уммон раҳбарларининг учрашуви бўлди. Унда икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалалар, томонларни қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ислам Каримов Ўзбекистон Уммон Султонлиги билан ҳамкорликни юксак қадрлашини таъкидлади. Ушбу учрашув икки томонлама муносабатларга доир масалалар юзасидан фикр алмашув учун қулай имконият эканини қайд этди.

Қобус бин Саид Ўзбекистон раҳбарининг Уммонга давлат ташрифи Ўзбекистон — Уммон алоқаларидаги тарихий воқеа эканини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон билан Уммон ўртасидаги муносабатлар дўстлик ва ҳамкорлик тамойиллари асосида изчил ривожланмоқда. Икки мамлакат ташқи сийosat мақамалари ўртасида мунтазам маслаҳатлашувлар йўлига қўйилган. Мамлакатларимиз терроризм, экстремизм, курол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандаси каби таҳдидларнинг олдини олиш билан боғлиқ масалаларда ҳамфикрdir. Уммон Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасидаги сазй-ҳаракатларини юксак қадрлайди.

Ўзбекистон ва Уммон БМТ, Ислам конференцияси ташкилоти каби халқаро ташкилотлар доирасида фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Уммон билан ҳамкорлик Ўзбекистон учун араб мамлакатлари билан муносабатларни мустаҳкамлашнинг янги имкониятларини очди. Уммон Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги етакчи давлат сифатида қарайди. Мамлакатимиз билан алоқаларни кенгайтириш орқали Уммон учун бутун минтақамиз билан ҳамкорликни ривожлантириш имконияти янада кенгайдди.

Ўзбекистон ҳам, Уммон ҳам ёқилги-энергетика мажмуи соҳасида улкан салоҳиятга эга, қишлоқ хўжалигида катта тажриба ортирган. Нефть-газ, нефть қимёси, металлургия, қурилиш, машинасозлик, тўқимачилик каби соҳаларда қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги соҳасида қўшма тадқиқотлар олиб боришдан икки томон ҳам манфаатдор.

Мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқалари фаоллашиб бормоқда. 2007 йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан тadbirlar режасини ишлаб чиқди. Сўнгги икки йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми сезиларли ошди, ammo мамлакатларимиз имкониятлари аришилган натижалардан анча кенг. 2008 йилнинг декабрь ойида қатор вазирлик ва идоралар вакиллари билан иборат Ўзбекистон Республикаси делегацияси Уммон Султонлигига ташриф буюриб, иқтисодиёт, савдо, sanoat, меҳнат, транспорт ва коммуникациялар, туризм каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идораларида ҳамда Марказий банкда учрашувлар ўтказди.

Музокараларда Уммон вакиллари алоҳида эътибор қаратган жиҳат озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи бўлди. Расмий Масқат Ўзбекистон галласи ва мева-сабзавот маҳсулотлари импортини йўлга қўйиш тақдирини илгари сурди. Шунингдек, Уммоннинг Давлат бош захира ва Сармоя жамғармалари билан Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ўртасида ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон делегациясининг ташрифи асносида Уммон Савдо-саноат палатасида икки мамлакат ишбилармонларининг бизнес-фору-

ми бўлиб ўтди. Унда Уммоннинг ўттиздан ортиқ етакчи фирма ва компаниялари, қатор банклари вакиллари иштирок этди. Савдо-саноат палаталари ўртасида ҳамкорликка оид шартнома, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Масқат банки ҳамда Уммон араб банки ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди.

2009 йил март ойида эса Уммон Султонлиги миллий иқтисодиёт вазири, Молиявий ишлар ва энергетик ресурслар бўйича кенгаш раисининг ўринбосари Аҳмад бин Абдунаби Маккий раҳбарлигидаги делегация юртимизга ташриф буюрди. Ушбу ташриф асносида икки мамлакат ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Унда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантиришга, Уммон фирма ва компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар муҳокама қилинди.

Анжуман якунида Ўзбекистон Республикаси билан Уммон Султонлиги ўртасида Инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, Даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф этиш тўғрисидаги ҳуқуқматлар бeтими, Ўзбекистон — Уммон қўшма сармоявий жамғармасини ташкил қилиш тўғрисидаги англашув меморандуми, Тошкентда Абу Райҳон Бeруний номидаги Шарқшунослик институтининг кутубхонаси биносини қуриш тўғрисидаги протокол имзоланган эди.

Мамлакатларимиз сайёҳлик соҳасида улкан салоҳиятга эга. Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари, меъморий обидалари, буюк алломалар хоки кўним топан қадамжолари Уммон ахлида катта қизиқиш уйғотиши табиий. Айни пайтда Уммонда ҳам қўлпаб тарихий обидалар борки, улар Ўзбекистон сайёҳлик компаниялари учун ўз миқозларига тақлиф этадиган яхши ресурс бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ислам Каримов ва Қобус бин Саид музокаралари Ўзбекистон — Уммон муносабатларини икки мамлакат манфаатларига мос тарзда янада ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди. Эришилган келишувлар икки томонлама ҳамкорликни янги поғонага кўтаришига ишонч билдирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Уммон Султонлигига давлат ташрифи якунида бўйича Қўшма баёнот қабул қилинди. Тошонлар Тошкентда ва Масқатда ўз элчихоналарини очиш хусусида келишиб олди.

Мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорлик ва муносабатлар асослари, савдо-иқтисодий ҳамкорлик, ҳаво транспортини қатновни тўғрисидаги ҳуқуқматлар бeтими, шунингдек, нефть-газ, қимё, қурилиш, олий таълим, сайёҳлик, сармоя каби соҳаларга оид ўндан зиёд ҳужжат имзоланди.

Мамлакатимиз раҳбарининг давлат ташрифи доирасида Ўзбекистон ва Уммон ишбилармонларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Унда икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилиб, сармоявий соҳадаги ҳамкорликни кенгайтириш имкониятлари кўриб чиқилди. Ўзбекистон иқтисодиёти устувор соҳаларининг тақдироти ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Масқат шаҳридаги Султон Қобус масжиди ва Уммон Қуроли Кўчлари Султонлик музейини бориб кўрди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг давлат ташрифи Уммон Султонлиги оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Уммон Султонлигига давлат ташрифи якунига этди.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент — Масқат — Тошкент

ЎзХДП фаоллари ташаббуси билан



Собир Раҳимов туманида ташкил этилган байрам тадбирида тумандаги таълим муассасалари ўқитувчи ва мураббийлари, устозлар, соҳа жонқуярлари ва faxрийлари, электорат вакиллари иштирок этди.

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР АРДОҚДА

— Истиқлол йилларида миллий анъана ва қадриятларимиз ҳамда жаҳондаги илгор андазаларга асосланган таълим тизими барпо этилди, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Муҳаббат Абдуллаева. — Мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбияси, қамолотида гоят муҳим ўрин тутувчи ушбу соҳа ходимлари меҳнатини эъзозлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг эълон қилиниши соҳада олиб бeрилатган ислохотларни муҳим босқичга олиб чиқди.



(Давоми 2-бетда)

ҚЎШИМЧА ИШ ЎРИНЛАРИ

Навоийдаги Машинасозлик заводи ўзининг оғир металлургия ва машинасозлик маҳсулотларини дунёнинг ўнлаб мамлакатларига экспорт қилмоқда.

Турли металл дастоҳлари, гидрометаллургия ва кон маъданчилиги учун энг зарур асбоб-ускуна ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарётган бу гигант корхона кейинги йилларда қайта модернизация қилинди. Корхонада қурилиш учун ниҳоятда асқотадиган темир панжаралар, сим тўрлар, пўлат тўсиқлар тайёрлаш ҳам ўзлаштириб олинди. Бунинг учун эса ҳар кун қўлаб электр пайвандлашда ишлатиладиган электрод симлар зарур эди.

— Яқинда корхонамизда кунига 1-1,5 тоннагача электродлар тайёрлаш имконини берувчи цех ташкил этилди. Шу тўғрисида кейинги икки йил мобайнида юздан зиёд ёшларни ишга олдиқ, — дейди завод бош директорининг ўринбосари Александр Вдовин. — Бу ўринда вилоятдаги техника ва қончилик коллежлари билан амалий ҳамкорлигимиз ниҳоятда қўл келмоқда.

Музаффар ШАРОПОВ

Ўз мухбирларимиз хабар қиладилар

ВОБКЕНТДА ЯНГИ КОЛЛЕЖ

Вобкент туманининг Хўжапурса қишлоғида Агроекономика касб-хунар коллежи биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. 435 ўқувчи ўрнига эга бўлган ушбу масканда ёшларга олтин йўналиш бўйича касб ўргатилади. Бу эса ўрта бўғин кадрларига бўлган эҳтиёжни қондиришга хизмат қилади.

Даврон БАҲРОНОВ

ЙЎЛЛАР РАВОН, ВАҚТ ЭСА ТЕЖАЛЯПТИ

Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўли узра йўловчи ташувчи поездлар изчил катнамоқда. Илгари қўшни давлат орқали ўтадиган Тошкент — Термиз — Тошкент поезда янги темир йўл тармоғи бўйлаб ҳаракатланмоқда. Бир гал Деҳқонободда бўлганимда, табаррук ёшдаги отахон «Сурхондарёда қариндошларимиз кўп, қуанда бўлиб боғланган элмиз, энди қишлоғимиздан чиқиб, поездга ўтирамыз, шундай улғу орзуларимизга етказган Юртбошимизга минг раҳмат!» деган эди. Дарҳақиқат, янги темир йўлдан йўловчи ташийдиган поездлар юраётганлиги тўғрисида масофа 170 километрга, йўлга сарфланадиган вақт эса роса 7 соатга қисқарди.

Юнус УЗОҚОВ

Яқинда Бандихон тумани «Бўстон» маҳалласида 270 нафар ўқувчи таълим оладиган янги мактаб биноси фойдаланишга топширилди.

ҚИШЛОҚЛАРДА ЗАМОНАВИЙ МАКТАБЛАР

Денов туманидаги «Майдахўжа» қишлоғида қад рўстлаган янги мактаб биноси ҳам ўғил-қизларни ўз бағрига олди.

— Мактаб таълимининг ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида кейинги йилларда воҳамизда 800 га яқин билим масканида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга

Қурбон ЖўРАНАЗАРОВ

**ИШОНЧНИ ОҚЛАШ
МАСЪУЛИЯТИ**
2 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты Маҳмуд МАҲКАМОВ билан суҳбат

КЕЧИРИМ
3 жазони ижро этиш муассасасидан репортаж

**МАЪНАВИЙ
ОЛАМНИ БОЙИТИШ**
4 моддий эҳтиёжни қондиришдан афзалдир

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

ИШОНЧНИ ОҚЛАШ МАСЪУЛИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси
депутати Маҳмуд МАҲКАМОВ билан суҳбат

Мамлакатимиз сиёсий ҳаётида ниҳоятда муҳим воқеа — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар яқинлашиб келмоқда. Марказий сайлов комиссиясининг сайлов кампаниясини бошлаш тўғрисидаги қарори бу жараёнга янги чалқинлик бағишлади. Мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш, ҳокимият вакиллик органларини шакллантириш, уларнинг фаолиятини ташкил этишга қаратилган муҳим янгиликлар сиёсий партияларнинг сайловларга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказишдаги иштирокини фаоллаштиришга катта ижобий туртки берди. Шундай бир шароитда Ўзбекистон Халқ демократик партияси аниқ сиёсий нуқтаи назарларни, мақсад ва вазифаларни илгари суриб, партиянинг кўпсонли электорати манфаатларини изчил ҳимоя қилиб, очиқлик ва ошкоралик шароитида иш олиб бормоқда. Табиийки, яқинлашиб келаётган сайловлар арафасида сайловчиларни, айтилик, олдинги сайловда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ўз номзодлари учун овоз берган депутатларнинг фаолият натижалари, аниқлиги, қизиқтириши. «Биз вакил қилиб сайлаган депутат ўтган йиллар мобайнида нималар билан шуғулланди?», «Депутатларимиз мамлакатда қонунчиликни такомиллаштириш бора-сида қандай натижаларга эришди?», «Қонун ижрочилигини кучайтиришга қандай ҳисса қўйишди?»



сайловларга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш бўйича концепция қондаларига ҳуқуқий асос бағишлади.

— **Хўш, давлат бошқарувида фуқаролар иштирокини кенгайтиришнинг асосий тамойили нималарда намойиш бўлмоқда? Сиёсий кучларнинг сайловда рақобати кучайиши нима беради?**

— Бу саволлар ҳозир ҳамани қизиқтираётгани табиий. «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларида ўзгариш кўрилади». «Авалло, сиёсий партиялар ўртасида ҳар қачонгидан кескин кураш бориши кўтирилмоқда. Мазкур сайлов ва унинг натижаси ижтимоий-сиёсий ҳаётни демократик янгилаш, пировардида, аҳолининг турмуш даражасини янада ўстиришга олиб боради. Олий қонунчилик органининг мамлакатимиз ҳаётидаги ролини кенгайтиришга қўшимча ҳисса қўлади. Чунки, янги Қонунга мувофиқ Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўрнилари 30 тага кўпайтирилиб, 150 тага етказилди. Эндликда Ўзбекистон Экология ҳаракати ҳам 15 та депутатлик ўрнига эга бўлади. Турли сиёсий йўналишларга асосланган партиялар фракцияларининг ҳуқуқий мақоми ҳам аниқ белгилаб қўйилган. Демак, сиёсий қарашлар ва нуқтаи назарлар рақобати кучайиб, қонун ҳужжатлари пухта, мукамал ишлаб чиқиши ва қабул қилинишига ижобий таъсир кўрсатади.

Албатта, бу жараён депутатларнинг профессионал етуқлигига янги чалқини талаблар қўяди. Уйлаётганим, партияимиз бундан тегишли хулоса чиқариб, кўрсатиладиган номзодларнинг билими, иқтидори, маънавий-сиёсий етуқлигига алоҳида аҳамият беради. Энг муносиб номзодлар танлаб олиниб, сараланиб сайланишини таъминловчи яна бир омил бор. У ҳам бўлса, депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари икки бора кўпайтирилганлигидир. Бу сиёсий партиялар рақобат муҳитини кучайтириш учун соғлом сиёсий-маънавий иқлим яратди, сайловдаги ўрашувларни қизгин фикрлар тўқнашуви асосида ўтишини таъминлади. Шу тариқа саралаб олинган ва сайловчиларнинг мутлақ ишончини қозongan депутатларимиз олий ҳокимият вакиллик органининг келгуси фаолиятини кучайтиришга катта йўл очиб берди. Марказий сайлов комиссиясининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида»ги қарори бўлажак

дан тақлифлар ишлаб чиқилди. Фақат санаот соҳасига тааллуқли олтига қонун ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Улар санаот ишлаб чиқариши билан боғлиқ масалаларнинг кенг спектрини қонунан ҳал қилиб берди.

Шунингдек, кўмитамизнинг назорат таҳлил фаолияти ҳам қизғин давом этади. Биз бир қатор қонун ҳужжатларини жойларда ижро этиш аҳамиятини ўрганиб чиқдик. Чунки, Наманган ва Хоразм вилоятларида «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги, «Ўзбек-энерго» давлат акциядорлик компаниясида «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунларнинг ба-жариллиги ўрганилди. Бу жараёнларда бир қатор жиддий камчиликлар аниқланиб, масалани кўмитамиз ҳаётида кўриб чиқиш жараёнида уларни бартараф этиш имконини берувчи чора-тадбирлар белгиланди.

Кўмитамиз самарали фаолият кўрсатишида ошқоралик муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳисобот даврида турли долзарб масалалар бўйича 20 мартадан зиёд давра суҳбатлари, конференциялар, семинар машғулотлари ўтказилди. Сайловчилар билан 1200 тадан зиёд ўрашув ташкил этилди. Фуқароларни қабул қилиш ва уларнинг ариза ёки муносабатларини қўриб чиқиш билан ҳар биримиз бевосита шуғулландик. Буларнинг ҳаммаси Қонунчилик палатаси, унинг кўмиталари мамлакатимизнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётига ижобий таъсир кўрсатиб, аҳолининг барча қатламларини фаоллаштиришга хизмат қилмоқда.

— **Маълумки, сайлов олди тайёргарлик ишлари тобора қизғин тус олмақда. Бу сайловларнинг ўзига хослиги, халқнинг вакиллик органларини шакллантиришдаги алоҳида хусусиятлар ҳақида нима дея оласиз?**

— Бугун мамлакатимизда «Давлат бошқаруви янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун амал қилмоқда. Президентимиз ташаббуслари билан қабул қилинган бу муҳим қонун кўптартиривийлик тизимини ривожлантириш билан бир қаторда, барча соҳаларда, хусусан, давлат бошқарувида сиёсий кучларнинг ваколатларини кенгайтиришга катта йўл очиб берди. Марказий сайлов комиссиясининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида»ги қарори бўлажак

— Бундай саволларнинг ўртага қўйилиши табиий бир ҳол, — деди суҳбатимиз иштирокчилари. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати **Маҳмуд МАҲКАМОВ**. — Уларга асосли жавоб бўлғуси сайловларда партияимиз кўрсатилган номзодлар кизгин кўллаб-қувватлашни, улар кўпроқ овоз олишининг асосий омилдир.

Мен олдинги сайловда 88-Учқўприк сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайландим. Бугун менга ишонч билдирган партиядошларим, номзодимни қўллаб-қувватлаган сайловчилар билан депутатлик фаолиятим ҳақида очик юз билан ҳисоб бера оламан.

Авалло, бу йиллар мобайнида Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялараро кураш жараёнида муайян тажрибалар орттирдим. Ўзбекистон ХДП фракцияси 2005-2009 йиллар мобайнида парламент қабул қилган қонунлар ва бошқа муҳим ҳужжатларнинг мукамаллиги даражаси оширилишига салмоқли таъсир кўрсатди. Бунда давлатимиз раҳбарининг Қонунчилик палатаси билан Сенатнинг биринчи қўшма мажлисидаги маърузасида баён этган нуқтаи назарлар, партияимизнинг Дастури ва Сайловолди Дастурида белгиланган, сайловолди ўрашувлари чоғида сайловчиларимиз илгари сурган вазифаларга асосландик.

— **Шу йиллар мобайнида партиянинг электорати манфаатларига хизмат қилувчи қандай қонун лойиҳалари ишлаб чиқилди? Бу жараёнлардаги иштирокингиз ҳақида гапириб берсангиз?**

— Ҳозиргина таъкидлаганимдек, ўтган йиллар муҳим сиёсий ишларимиз даври бўлди. Шахсан ўзим фракцияимиз ишчи гуруҳлари таркибида Қонунчилик палатаси мажлислари муҳокамасига киритилган лойиҳаларни кўриб чиқишда имкон қадар фаол иштирок этишга ҳаракат қилдим. Фракцияимиз ишчи гуруҳи бир мақсад — электорат манфаатини йўлида аҳил бўлиб, янги қонунлар айрим моддаларни бўйича мубоил лойиҳаларни тайёрлади, палата мажлисларида уларни ишончли равишда асослаб, қатъият билан ҳимоя қилдик. Чунки, «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида», «Ипотека тўғрисида», «Микромолиялаш тўғрисида», «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурталаш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва кўриб чиқиш, шунингдек, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунга ўзгаришларни қўшимчалар киритиш жараёнида шундай кечди. Бу лойиҳаларнинг кўпчилигини узил-кесил қабул қилиш чо-

ғида биз билдирган фикрларимиз, тақлифларимиз инобатга олинди.

Фракцияимиз йиғилишларида Президентимизнинг фармон ва қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни муҳокама қилиб, уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида аҳоли ўртасида кенг тушунириш ишлари олиб боришга ҳаракат қилдик. Бундай ўрашувлар мобайнида касаначиликни ривожлантириш, ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиб, уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни ривожлантиришга доир муҳим ҳужжатлар одамларни ташаббус кўрсатишга, ҳаракатга қанчалик рағбатлантирилганиги, келажакда ишончини нечоғли кучайтирилганини гувоҳи бўлдик.

Фракциядаги ҳар бир масалани ҳал қилиш энгил, осон кечмади, албатта. Баъзи масалалар юзасидан биз илгари сурган тақлифларимиз «парламент кўпчилиги» томонидан қўллаб-қувватлаш ҳолатлар ҳам бўлди. Ҳолбуки, бу тақлифлар бошқа сиёсий партиялар электорати манфаатларига асло зид эмасди. Фақат фракцияимиз аъзоларининг қатъияти, изчил саъй-ҳаракатлари оқибатида мукамал бўлмаган баъзи қонун лойиҳалари қайтарилишига муваффақ бўлдик. «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида», «Ипотека тўғрисида»ги Қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида шундай кизгин кечди.

— **Маҳмуд Мухторович, Сиз Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитасининг аъзосисиз. Шундай экан, мазкур кўмитанинг асосий вазифалари ва фаолият натижалари ҳақида ҳам тўхталангиз.**

— Маълумки, Президентимиз мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишларини аниқ-равшан белгилаб берган. Шундан келиб чиққан ҳолда кўмитамиз аввал бошданок бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий тармоқларини янада эркинлаштириш, маҳсулот ва хизматлар экспортини кучайтириш тўғрисидаги Қонунларни рағбатлантириш, хорижий сармояларни, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш учун зарур шароитлар яратиш, иқтисодий тармоқларини белгиловчи тармоқларини қайта тузиш ва модернизация қилиниши яна ҳам чуқурлаштиришда катта йўл очиб берди. Марказий сайлов комиссиясининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида»ги қарори бўлажак

— **Сўхбатдош: Жўра САЪДУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

Ташкентда 29-30 сентябрь кунлари «Сиёсий партиялар ва сайлов: жаҳон амалиёти ва Ўзбекистон қонунчилиги» мавзюда халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди. Талбир Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, ЕХХТнинг мамлакатимиздаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчи офиси, Миллий демократия институти (АҚШ) ва «Минтақавий мулоқот» нодавлат ташкилоти (Словения) томонидан ташкил этилди.

ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ РОЛИ

Форумда Беларусь, Буюк Британия, Хиндистон, Жанубий Корея, Польша, Россия, Словакия, Словения, АҚШ, Украина, Чехия, Япония ва халқаро ташкилотлардан экспертлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар ҳамда жамоат бирлашмалари вакиллари иштирок этиди.

Давра суҳбати иштирокчилари давлат ва жамият қурилишини ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда сиёсий партияларнинг ролини, жумладан, қонунчилик ва ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайловларда сиёсий партиялар иштирокини кенгайтириш орқали сайлов жараёнининг демократлигини таъминлашда қатор мамлакатлар тажрибасини муҳокама этиди.

Хорижий экспертлар ўз чиқишларида истиқлол йилларида Ўзбекистонда мамлакатнинг барқарор ва жадал ривожланиб бораётган сиёсий тизими, профессионал асосда фаолият кўрсатаётган икки палатали парламент ташкил этилгани, демократик талаблар ва халқаро ҳуқуқий нормаларга тўлиқ жавоб берадиган сайлов тизими ва сайловлар қонунчилиги базаси, фуқаролар ҳамда сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларида эркин, фаол иштирок этиши учун барча зарур ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техник шароитлар яратилганини таъкидлади.


Бунда Ўзбекистоннинг сиёсий партиялар тўғрисидаги қонунчилиги халқаро стандартларга тўла мослиги алоҳида қайд этилди. Унинг рўёбга чиқарилиши ва янада ривожлантирилиши мамлакатимизда кўппартияли тизимни амалда мустаҳкамлаш, демократик ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишда партиялар ролини кучайтиришга таъсир кўрсатади.

Ионсей университетини профессори Сангту Ко (Жанубий Корея): «Давра суҳбати давомида турли партиялар вакиллари ўртасидаги қизгин баҳсларнинг гувоҳи бўлдим. Бу — партиялар аъзоларининг қанчалик фаоллиги, уларнинг ўз сиёсий қарашларини нечоғли аниқ белгилаш ва илгари суришдан далолат. Биз Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар дастурлари хилма-хиллиги билан бир-биридан ажралиб туришини кўрдик. Зеро, демократиянинг талаби ҳам шундай».

ЕХХТнинг Грузиядаги миссиясининг инсон турмуш даражасини баҳолаш бўйича бошқармаси бошлиғи Инкери Аарнио-Лвофинга сўзларига қўра, «Ўзбекистонда сиёсий партиялар тўғрисида қатор қонунларнинг қабул қилинган мамлакат тўғрисида бораётганидан далолатдир. Еш ва мустақил давлатингиз томонидан электоратнинг сиёсий маданиятини ошириш, аҳолининг сайлов манфиясини, сайлов қонунчилиги ҳақида хабардорлик даражасини юксалтиришда жамоат институти ролини кучайтиришга доир қўрилаётган чора-тадбирлар демократик ривожланишнинг муҳим таркибий қисмларидандир. Ўзбекистонда биринчи марта бўлишим. Бугунги давра суҳбати каби тадбирларнинг ўтказилиши ушбу йўналишдаги муҳим қадамдир ва у мамлакатда юз бераётган сиёсий жараёнларни чуқур англаш имконини беради».

Хорижий экспертлар фикр алмашиш давомида одамларнинг сиёсий, ижтимоий ва фуқаролик ёнги, уларда ён-атрофда рўй бераётган воқеалар, мамлакатда барқарорлиқни мустаҳкамлаш учун жавобгарлик туйғусининг ошгани Ўзбекистонда бошланган сайлов кампаниясининг муҳим жиҳатларидандир, деган хулосага келди.

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР АРДОҚДА



Ёшлар камолоти йўлида бор муҳирини бериб, келажак авлоднинг тарбиялашда юксак вазифани адо этиб келаётган ўқитувчи ва мураббийларни ҳар қачча эъзозласак арийдик, дея таъкидлашди иштирокчилар. Чунки, мурғак қалбни улғайтириш, мактаб остонасига эндигина қадам қўйган жажжи ўғил-қизларни катта ҳаётга қадр тарбиялаш осонгина, ўз-ўзидан бўладиган жараён эмас, албатта. Бунда ўқитувчининг қанча меҳнати, машаққати борлигини барчамиз яхши тушунагимиз...

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва Тошкент шаҳар кенгаши томонидан ташкил этилган мазкур тадбир «Сайлов қонунчилигини ўрганиш» мавзюдаги давра суҳбатига улашиб кетди. Унда мамлакатимиздаги демократик ислохотлар, сайлов тизими, ҳокимият вакиллик органларига сайлов ўтказишининг ўзига хос жиҳатлари, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш бора-сида олиб борилган ишлар, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва сиёсий онги ошиб бораётгани ҳақида сўз юритилди.

— Мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб мамлакатимизда ҳокимият вакиллик органларига сайловларни янада демократлаштириш чоралари изчил амалга оширилмоқда, — деди Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Қонунчилик палатаси депутаты Шарбат Абдуллаева. — Жорий йил 1 июлдан қўра қонун «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгариш ва

қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунга мувофиқ сайловга оид қонунларимизга қатор янгиликлар киритилди. Жамиятнинг демократик янгилаш ва мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнида олий қонунчилик ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органларининг роли ва ўрни янада кенгайтириш кўзда тутилмоқда. Масалан, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар фақат сиёсий партиялардан кўрсатилади. Олий Мажлис депутатлигига номзодларнинг ишончли вакиллари 10 нафаргача бўлиши назарда тутилмоқда. Партияларнинг ваколатли вакили институти қонунга киритилди. Бу, албатта, давлат ҳокимиятининг қонунчилик, вакиллик органларини шакллантиришда сиёсий партиялар ролини оширади. Улар зиммасига бир пайтнинг ўзида, сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича қонунчилик талабларини бажаришда катта масъулият юклайди.

Шунингдек, депутатлар Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига декабрь ойида бўлиб ўтадиган сайловлар тўғрисида биринчи марта овоз беришда иштирок этадиган йигит-қизларни қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб бердилар. Тадбир сўнггида устоз-мураббийларга ташкилотчилар ва ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Дилафрўз ЗАЙНУЛЛАЕВА,
Нурли САИДОВ,
Владимир ГОНЧАРЕНКО
олган суратлар.

Қарор ва ижро

Махсус прокурор тақдимнома-си, колония масъул ходимининг ҳукми қилинган шахснинг иши мазмуни билан таништиришдан сўнг судья қарорини эълон қилди: — Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимнома-сига мувофиқ Олий Мажлис Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн саккиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарорига кўра, маҳкум Муҳаббат Боймуротов ва жазонинг қолган қисmini ўташдан озод қилинади...

Бу сўзлар Муҳаббатнинг қулоғига элас-элас эшитилди, кўлларини юзига босиб йиғлаб юборди.

Бироздан кейин, у билан суҳбатлашиб ўтирганимизда ҳам жувоннинг юзларини кўз ёшлари юварди.

— Кечирим нима эканини биламан. Аммо унинг мазмунини энди тушундим, бугун, ҳозиргина. Амнистия тўғрисидаги қарорига яраша берилган — беш йиллик жазонинг тўрт йилдан ошигини ўташдан озод қилинган ана шу дақиқаларда...

Муҳаббат ўғирликка қўл урган эди.

— Шайтон йўлдан оздирдим, билмайман — дейди энди у.

Аёллар колониясида ўтган кунлари ўз ҳаётини, қилмишларини таҳлил қилиш, келажагини белгилаб олиш учун етарли бўлди. Ҳали ўттизга ҳам чиқмаган. Турмуши бузилиб, икки қизи билан ота уйда яшайди. Турмуш ўртоғи билан келиш-мовчиликлар тўғрисида университетдаги ўқиши ҳам чала қолди.

— Қамок — ҳаёт тўхтаб қолди, дегани эмас, — давом этади Муҳаббат. — Мен ва ёнимдаги аёллар қилган жиноятимиз учун жазони ўтаётимиз. Бу ердаги ҳамма талбирлар — хунар ўрғаниш, тивукичилик ҳақидаги ишдан тортиб тез-тез ўтказилган концерт ва учрашувларга ҳаммаси адашган биздек кимсаларни тарбиялаш, йўлга солишга қаратилган.

Муҳаббат шеър ҳам ёзади. Мана, қамокда дафтарга тушган айрим сатрлар:

Сим деворга ёмон кўз-ла қараман,
Сим девор ортида ҳам ҳаёт бор.

Онаси-ю фарзандига интизор,
Юрак бағри ёнар она бор...

— Қўлимда гулдек хунарим бор, — дейди яна Муҳаббат. — Қўй жундан ип йиғириб, пайпоқ, жемпер, келин сепи учун буюмлар тўкиб сотардим. Қўй жун эса бизнинг Хўжайли туманида сув текин арзон. Бориб шу ишимни давом эттира-

ман. Ҳали-ҳали ўзимга савол берман: нима учун шу йўлга кирдим, бировдан олдин бўлмаса бировдан кейин яшаб, кун кўраётган эдик-ку?

Навийлик Шаҳноза эса бойбадавлат бир оиланинг кенжа,

набираларимни боқиб ўтираман.

Мария Космина қалбаки паспорт билан ноқонуний равишда мамлакатимиз чегарасидан ўтаётганда қўлга олинди, жиноятига яраша жазо белгиланди.

— Онам ва ўғлим билан яшардик. Кўпроқ пул топиш ниятида Россияга кетдим. Икки йилдан

нини айтди.

Қиз онасининг жиноят кодексининг қайси моддаси билан айбланганини бизга «тушунтиради». Бу гаплардан унинг онаси тушиб қолган вазият, суд жараёнларидан тўлиқ бохабар эканини, бирга ташвиш чекканини изоҳсиз аниқлаш мумкин. — Онамга олти йил қамок жазоси берилди. Ҳали энди бир

КЕЧИРИМ

жазони ижро этиш муассасасидан репортаж



йилини ўтагани. Шу бир йил ичида уни қанчалик соғинганимни, ўрни қанчалик билганини тасвирлаб беролмайман. Яна беш йил шу азобларни кўтаришимни ўйлаб, даҳшатга тушардим. Бугун чиқишларини эшитиб, эртдан келиб олдим. Анча кутиб қолдик...

Бу кутушнинг сабаби, «ичкари»дан ҳозир чиққанмиз учун бизга аён эди. Амнистия акти қўлланилиб, озодликка чиққан аёллар қамокхона кийимини ўз кийимларига алмаштиришга тўғри келди.

Хатто ула-элик билан пардозланган эдик — аёл ҳамма жойда аёлликча қолади.

Колония дарвозаси очилиб, бир гуруҳ аёллар туғишларининг бағрига отилдилар. Кимдир машинада, кимдир катта йўлгача пиёда уларни умид билан кутаётган манзилга — оилалари бағрига ошиқдилар.

Охирида боғина суҳбатлашган Муҳаббат Боймуротованинг қолганини кўрдим.

— Мени кутиб олувчи йўқ, ота-онам кексайиб қолган, — деди у. — Ҳозирок бориб Тошкент — Кўнғирот поездига билет оламан. Пулим бор. Муассаса ишлаб чиқариш қорхонасида ишлаган ҳақимни тўлиқ беришди. Биламан, онам мени иссиқ бағрига босади. Ундан кечирим сўрайман. Қизларим — Жанарайим ва Қамарайимдан ҳам. Мен сизларга бекорга юлдуз ва ой номини бермаганман, сизларни шундай тарбиялашга ҳаракат қиламан, энди ҳалол меҳнат билан кун кўраман, — дейман. Туғишларим мени албатта кечирадилар. Ахир, Президент, давлат кечирди-ку...

Муҳаббатни, амнистиядан баҳраманд бўлган ҳамма-ҳамман анча шу кечирим юки, унинг олдидаги масъулият хисси бир умр тарқ этмаслигига ишонгинг келади.

Шарофат Йўлдошева,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.

эркатой фарзанди.

— Оиламизда ҳамма нарса муҳайё, ҳеч камчилигимиз йўқ эди, — дейди у.

Ана шу 23 ёшли олий маълумотли қиз, «Миллийбанк» бўлимларидан бирида кассир бўлиб ишлаган экан, шериклари билан жиноятга қўл урибди. Жазо муддатининг ҳали ярмини ҳам ўтамаган Шаҳнозага нисбатан амнистия акти қўлланилди.

Тошкентлик Карима опа эса Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 167-моддаси билан айбланиб, 7 йилга «кесилган». Фирмасига «Меҳри савдо» қорхонасидан қонсигнация — қарага мол олиб, Андижондаги яна битта фирмага ўтказган.

Уша фирма 26 ярим миллион сўмни тўлай олмайди, шу сабабли давлат мулкни талон-торож қилганликда айбланиб, икки ярим йил бўлдики, жазо муддатини ўтапти. Амнистия тўғрисида озодликка чиқарилди.

— Олдин ҳам қурилиш қорхонасининг ишидан камомат чиқиб, худди шу модда билан айбланиб қамалгандим. Бошим икки бор тошга тегди, — тadbиркорлик билан шугулланмоқчи бўлсанг қонун-қондан яхши билишинг ва унга риоя қилишинг керак экан. Яна тadbиркорлик қилмоқчи бўлсам, аввало, қонунларни ўрганаман. Бўлмаса, пенсияри, болаларимнинг топганига қаноат қилиб, уйда

сўнг пул топиш тугул паспортимдан ҳам айрилдим. Анчагина маблағ эвазига қалбаки паспорт тўриллаб қайтишга мажбур бўлгандим, — дейди Марина.

Кимларнингдир ёлгон ваъдаларига учиб, охир-оқибат жиноят кўчасига кирганидан Марина билан жиноятга қўл урибди. Жазо муддатининг ҳали ярмини ҳам ўтамаган Шаҳнозага нисбатан амнистия акти қўлланилди.

— Бу ердан чиққанмидан сўнг паспорт олишимга алоқадор ташкилотлар қисқа муддат ичида ёрдан қилишларини айтишди. Чиқишим билан ҳужжатларимни тўғрилайман, — қўшиб қўяди яна аёл.

Колониянинг ташқи дарвозаси олдида эса Маринани онаси Наталья Андреевна кутапти.

— Яқиндагина қизим билан кўришгандик. Ушанда инсонпарварлик далолатномалари қўлланилиши бўйича унинг ҳужжатлари ҳам тайёрланаётганини айтганди, — дейди онахон. — Дарров газетадан ўқиб, амнистия мазмуни билан танишдим, умид билан кутаётгандим. Бугун набирам Максим ҳам келмоқчи эди, ўқини қилиб кетишини истамадим. Унинг ўсимликка ўтиш даври — она эътиборига жуда эҳтиёж сезадиган пайт. Амнистия тўғрисида кизим ютган муддат набиранинг келажагида муҳим аҳамият касб этишига шубҳа қилмайман...

Узини Нигора деб таништирган қиз эса онасини кутаётган

ТАБИЙ ОФАТЛАР ХУРУЖИ

огир оқибатларни келтириб чиқарди

Якшанба кuni Индонезиянинг шарқий қисмида 6,1 магнитудага тенг зилзила юз берди. Унинг эпицентри Ғарбий Папуа музофотидан 123 километр шимоли-шарқда қайд этилди.

БМТнинг ҳисоб-китобича, дейлади «АФР» АА ахборотида, қурбон бўлганларнинг умумий сони 4 минг кишидан ортиши мумкин.

30 сентябрь куни кечқурун эса Индонезия ғарбидаги Суматра оролида (Ғарбий Папуадан 3,5 минг километр узоқликда) ўта кучли — 7,6 магнитудага тенг зилзила бўлган эди. Индонезия маъмуриятининг расмий маълумотларига кўра, 770дан ортиқ киши қурбон бўлган, аммо Қизил Ҳоч жамияти бу рақамни 1100 кишига тенг деб баҳоламоқда. Яна бир неча юз киши дом-дараксиз йўқолган. Суматра ороли маркази Паданг шаҳридаги биноларнинг 75 фоизи вайронага айланган. Айни дамда Падангда 17 мамлакатдан келган кутқарувчилар отрядлари кидирув-қутқарув ишларини олиб бормоқда.

Худди шундай ер ости силкиниши Калифорния штати шарқида ҳам қайд этилди. АҚШнинг Геология хизмати маълумотларига кўра, зилзила кучи 3 - 4,5 ва 5,2 магнитудага тенг бўлди.

Олимларнинг башорат қилишларича, дейлади «Associated Press» АА хабарича, яқин 30 йил ичида Калифорния ҳудудида жуда кучли зилзила юз бериши мумкин. Қўлаётган бу офат 99 фоиз аниқликда башорат қилинмоқда. Қурбонлар сони ҳам кам бўлмайди, кўриладиган


зарар эса 200 миллиард доллардан ортиши мумкин экан.

Табиий офат Филиппин ороллари ҳам қамраб олди. Филиппин миллий метеорология бюроси маълумотларига кўра, якшанба кuni Филиппиннинг Лусан оролига ёпирилган кучли тўфон натижасида 17 киши қурбон бўлди. Орол 2006 йилдан бери бундай бузғунчи тўфонни кўрмаган эди. Тўртинчи даражали хавфга эга «Парма» тўфони марказида шомол тезлиги соатига 120-150 километрдан ортиб кетди. Айни дамда шимолдан ғарб томонга ҳаракатланаётган тўфоннинг кучи кўраган эди. 9 километрга етмоқда. Бугун-эрта Тайван ороллари ҳам етиб бориши кутилмоқда. Шунинг учун Тайван маъмурияти аҳолини пўртана хавфидан оголхатирмоқда.

Филиппин президенти Глория Макапагал-Арройо Филиппин ҳудуди бўйлаб факуллодда ҳолат эълон қилди. Денгиз қирғоқларидаги аҳолини хавфсиз жойларга кўчириш ҳақида буйруқ берди.

Яқингинада, аниқроғи, 26 сентябрда Филиппинга «Кетсана» тўфони ёпирилган эди. Ушанда 6 соат давом этган

ушбу табиий офат натижасида 340 миллиметрдан ортиқ ёғин ёққанди. Бу эса кучли сув тошқинларини келтириб чиқарганди. «Кетсана» тўфони оқибатида 300 киши ҳаётдан кўз юмди.



КОММУНИЗМНИ ЭСЛАТУВЧИ РАМЗЛАР ТАҚИҚЛАНДИ

Польшада коммунизмни эслатувчи рамзлар, улар сурати туширилган футболкалар ёки бошқа анжомлар савдоси тақиқланди. Кимки, бу қондан буза, жиноий жавобгарликка тортилди ва 2 йилгача қамок жазосига ҳукми қилиниши мумкин. Айнан шунинг учун ҳам республика Жиноят кодексига ўзгартиш ва тузатишлар киритилиб, сейм томонидан яқинда қайта қабул қилинди. Энди у қўнға кириши учун сенат маълумоти ва президент имзолаши лозим.

«Regnum» АА хабар қилишича, коммунистик рамзлардан, яъни «СССР» деган ёзувдан ўрқ ва болға, Ленин суратидан фақат бадиий ижод, таълим, коллекция ва фан мақсадларида фойдаланиш мумкин ҳолос. Яъни ёшларга коммунизм фашизм сингари ёвуз тузум эканлигини тушунтириш мақсадида фойдаланишга рухсат берилди.

Таъкидлаш жоизки, худди шундай тақиқловчи қонунлар Болтиқ бўйидаги бошқа мамлакатларда ҳам қабул қилинган.

ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОДЛАР 19 октябрдан рўйхатга олинади

Украинада шу ойнинг 19-санасидан 13 ноябргача президентликка номзодларни рўйхатга олиш тadbири ўтказилади. Марказий сайлов комиссияси матбуот анжумани ўтказиб, бу ҳақда маълум қилди, дея хабар беради «Новости» АА.

Маълумки, Украинада келгуси йилнинг 17 январидан навбатдаги президент сайлови ўтказилиши белгиланган.

Республика бош вазири Юлия Тимошенко, «Регионал партияси» етакчиси Виктор Янукович, амалдаги президент Виктор Ющенко, Олий рада спикери Владимир Литвин, парламентнинг собиқ спикери Арсений Яценюк ва бошқа сиёсатчилар президентликка номзодларини қўйишни мўлжаллаб туришибди.



«MUNITSIPAL AVKSION MARKAZI» MCHJ

ochiq avksion savdolariga taklif etadi

Toshkent shahri, Hamza tumani, Istiqbol ko'chasi, 45 - yuda joylashgan «Chet el investitsiyasi ishtirokidagi Toshkentvoino kombinati» OAJ tasarrufidagi oltita:

1. 1992 yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 01/243 KAA bo'lgan "KAB3 3976" rusumli avtotransport, boshlang'ich narxi 7 000 000 so'm. Zakalat 1 400 000 so'm.
2. 1992 yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 01/234 KAA bo'lgan "KAB3 3976" rusumli avtotransport, boshlang'ich narxi 7 000 000 so'm. Zakalat 1 400 000 so'm.
3. 1994 yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 01/233 KAA bo'lgan "IJ 2715" rusumli avtotransport, boshlang'ich narxi 1 100 000 so'm. Zakalat 220 000 so'm.
4. 1993 yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 01/237 KAA bo'lgan "FA3 31029" rusumli avtotransport, boshlang'ich narxi 2 000 000 so'm. Zakalat 400 000 so'm.
5. 1992 yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 01/244 KAA bo'lgan "FA3 3307" rusumli avtotransport, boshlang'ich narxi 6 000 000 so'm. Zakalat 1 200 000 so'm.
6. 1988 yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 10 AI 009 bo'lgan "PAF 220301" rusumli avtotransport, boshlang'ich narxi 2 200 000 so'm. Zakalat 440 000 so'm.

Toshkent shahri, Shayxontohur tumani, U.Yusupov ko'chasi, 54-uyda joylashgan «O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Soliq va valyutaga oid jinoyatlariga va jinoyi daromadlarni legallashtirishga qarshi kurashish departamenti Toshkent shahar boshqarmasi» tasarrufidagi ikkita:

1. 1987 yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 10 BC 927 bo'lgan "FA3 53" rusumli avtotransport, boshlang'ich narxi 6 000 000 so'm.
2. 1996 yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 10 BC 375 bo'lgan "FA3 310290" rusumli avtotransport, boshlang'ich narxi 3 500 000 so'm. Zakalat 700 000 so'm.

Shuningdek, Toshkent shahri, Yakkasaray tumani, Usmon Nosir ko'chasi, 93-uyda joylashgan «O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi Toshkent viloyati Adliya boshqarmasi» tasarrufidagi, davlat raqami 10 AJ 746 bo'lgan, 1997 yilda ishlab chiqarilgan "Tiko" rusumli boshlang'ich narxi 4 500 000 so'm va zakalat miqdori 900 000 so'm bo'lgan avtotransport vositalari qo'yiladi.

Savdolar qatnashish uchun yuqorida ko'rsatilgan miqdordagi zakalat puli «Munitsipal avksion markazi» MCHJ ning AIKB Ipak yo'li dagi MFO 00444, STIR 300053338, 2020800010455505002 sonli hisob raqamiga o'tirilgan tartibda to'lanadi. Buyurtma qabul qilish savdo kunidan bir kun avval to'xtatiladi.

Savdo g'olibiga savdo kunidan boshlab yigirma kun muddat ichida olti-sotdi shartnomasini imzolash, oshdnomatuzilgunga qadar to'langan zakalat miqdori, sotib olish to'lovi miqdorining 15 foizidan kamini tashkil etgan taqdirida yetishmayotgan summani to'lab berish shartlari yuklatiladi.



Баркамол авлод орзуси

2004 йилдан фаолият кўрсатиб келаётган Бухоро автомобиль ва йўллар коллежидан урта йўналиш бўйича 780 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмақда. Бу ерда 120 нафар малакали ўқитувчи, муҳандис-педагог ва 20 нафар ишлаб чиқариш устаси ўқувчиларга турли фан ва касблардан сабоқ бермоқда. Замон талабидан келиб чиқиб, коллежимиз ўқитувчилари ўқув жараёнида илгор педагогик технологияларни кенг жорий этишмоқда. Билим маскани педагоглар жамоаси томонидан биргина ўтган ўқув йилида 16 та услубий қўлланма ва дарсликлар яратилди.

Ўқув ишлаб чиқариш устaxonаларидаги машгулотлар давомида ўқувчиларнинг фанлар бўйича олган назарий билимлари мустаҳкамланмоқда. Бу жараёнлар икки то-

монлама шартнома асосида мавжуд автокорхоналар, автотехсизмат ва йўл қурилиш ташкилотларида ўтказилди. Бундан ташқари, мавжуд 3 та ўқув устaxonаси — чилангарлик, автомобиллар тузилиши, автомобилларни таъмирлаш хонасида ўқув амалиётлари намунавий режа асосида амалга оширилади.

Коллежининг Ахборот-ресурс марказида 18937 та зарур ўқув адабиётлари, бадиий китоблар, қўлланмалар мавжуд. Билим масканида 9 та спорт тўғраги ташкил қилинган. Бугунги кунда футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи, енгил атлетика, шашка, шахмат, стол тенниси, мини футбол каби тўғарақларда жами 454 нафар талаба қатнашиб, бўш вақтларини самарали ўтказмоқда. Шу билан бирга шахар-

ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

даги мавжуд спорт мажмуаларида 467 дан ортиқ талаба спорт билан шугулланиб, турли хил мусобақаларда юқори кўрсаткичларни қўлга киритишмоқда. Жумладан, Аббос Жалолов миллий кураш бўйича вилоят ва республикада ўтказилган турнирда ғолиб бўлди. Бехруз Бафоев 65 кг. вазн тоифасида вилоят биринчилигида 2-ўринни эгаллади. Аббос Нуруллаев, Азамат Файзуллаев-

лар эса 2-3-ўринларни қўлга киритди. Армрестлинг бўйича вилоят миқдосида ўтказилган мусобақада Ҳамза Муҳамедов олтин медаль, Шамшод Усмонов эса 2 та кумуш медаль билан тақдирланди.

Мухтасар айтилганда, баркамол ва соғлом авлод таълим-тарбияси мустақил мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Буни

юрақдан ҳис этган жамоамиз барча имкониятларни ишга солиб, фарзандларимизга касб-хунар сирларини чуқур ўргатиб, уларни келажақда етук кадрлар бўлиб камол топишига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ҳамза МУҲАМЕДОВ, Бухоро автомобиль ва йўллар коллежи директори, иккисод фанлари номзоди, Олий Мажлис Сенати аъзоси.



Долзарб мавзу!

Яқинда бир танишим қизиқ воқеани гапириб берди. «Ҳамон яхши эсламан, — деди у. — Бувам ҳар доим барвақт туриб, газета, журнал ёки китоб ўқиб ўтирарди. Эрталабки нонушта вақтида ўқиган янгиликлари ҳақида гапириб берарди. У кишининг айтганлари дўстларим орасида, турли давраларда менга жуда асқотарди. Воқеа-ҳодисага эркин муносабат билдира олардим. Вақт ўтиши билан эрталабки «маънавий озуқа» мен учун ҳам зарурий эҳтиёжга айланди. Аммо кейинчалик ўқиш, иш баҳонасида бу одатни тарк этган эканман. Яқиндаги бир воқеа менга қаттиқ таъсир қилди.

— Кеча газетани ўқидим, Сайн-Шушенск ГЭСи тўғрисида авария сабабларини ёзишди, ўқидингми, — деб қолди ишхонадаги ҳамкасбим. Мен елка қисдим.

— Ҳа, мен ҳам ўқидим, яхши мақола экан, — деди иккинчи шеригим.

Улар шу воқеа атрофида матбуотда эълон қилинган бошқа мақолалар юзасидан ҳам берилиб суҳбатлашди. Мен эса бу суҳбатда фақат тингловчи бўлиб қолганим, ҳаётда рўй бераётган кўпдан-кўп воқеалардан бе-хабар эканман.

Шу воқеадан сўнг ҳар кунни маълум бир вақтни кундалик нашрлар билан танишиб чиқишга ажратишга қарор қилдим.

Шу ҳикоя сабаб бўлиб газета ўқишнинг фойдаси, аҳамияти ҳақида мулоҳаза юритишга, бу борада бошқаларнинг фикрини билишга ҳаракат қилдик. Газета муролаа қилиш нафақат воқеа-ҳодисалардан бохабар бўлиш, балки ўқувчининг маънавий дунёсини бойитишга, у ёки бу масалада мустақил фикрга эга бўлишига хизмат қилади, албатта.

Зеро Юртбошимиз «Энг асосий мезон — ҳаёт ҳақиқатини ақс эттириш» деб номланган рисолида маънавий-маърифий тарбияда оммавий ахборот воситаларининг алоҳида ўрни борлигини таъкидлайди. «Ёш авлодимизнинг қалби ва онгини асраш, уларни миллий ва умумбашарий қадриятлар

руҳида тарбиялаш, фарзандларимизнинг дунёда рўй бераётган сиёсий жараёнларнинг маъно-маъмуни ва асл сабабларини чуқур англаши, ўз атрофида содир бўлаётган воқеалар ҳақида ҳаққоний маълумотларга, энг муҳими, ўз мустақил фикрига эга, содда қилиб айтганда, оқни қорадан ажратишга қодир бўлишига эришиш таълим-тарбия ва маънавий-маърифий ишларимизнинг асосий шарты ва мезони бўлиши даркор.

Шу маънода, ахборот оламидаги устунлик кўп нарсани ҳал этадиган бугунги вазиятда мустақил онг ва мустақил фикрга эга бўлган шахсни тарбиялаш масаласи нафақат маънавий, керак бўлса, муҳим сиёсий аҳамият касб этади.

Бу ўта муҳим вазифани амалга оширишда таълим-тарбия тизими, ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий масалалар билан шуғулланадиган идоралар, давлат ва нодавлат ташкилотлар, сиёсий партиялар ўз ҳиссасини қўшишлари табиий, албатта, лекин бу борада оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва таъсир кучи бекиёс, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Дарҳақиқат, таъкидланганидек оммавий ахборот воситаларининг таъсир кучи бекиёс. Бугунги кунда ахборот олишнинг турли манбалари яратилган. Аммо, улар орасида босма оммавий ахборот воситаларининг ўрни ўзига хос.

Хўш, бугун юртдошларимиз газета ўқиш масаласига қандай муносабатда? Шу саволга жавоб олиш мақсадида пойтахтимиз кўчаларида сўров ўтказиб, юртдошларимизнинг фикрларини ўрганишга ҳаракат қилдик.

Дилдора ИБРОҲИМОВА, 19 ёш: — Мен фақатгина газеталардан ахборот олиш

билан чекланмайман, бошқа ОАВдан ҳам маълумотлар олишга ҳаракат қиламан. Бу борада интернетдан кўпроқ фойдаланаман.

Фаррух НАЗАРОВ, 20 ёш: — Асосан ижтимоий-сиёсий газеталарни, сиёсий партияларнинг нашрларини кузатиб бораман.

Сардор АСРОМБОВЕВ, 37 ёш: — Газетани вақт ўтказиш учун ўқийман. Танлаб ўтирмайман.

Моҳира ИБРОҲИМОВА, 55 ёш: — Табобатга доир газеталарни ўқиб бора-

фон боғламаси техник бўлими ходими Муҳайё Алмирденова фикрларини бироз батафсилроқ ифодалади: — Мен биринчи навбатда она, рафикаман. Эрталаб туриб нонушта тайёрлашим, оиламдагиларни ишга, ўқишга кузатишим лозим. Кундалик юмушлар ҳам анча вақтни олади. Сўнгра ўзим ишга отланаман. Шунинг учун фақат бўш вақтимагина газета ўқишни маъқул кўраман.

— Мен кўпроқ кўнгилочар газеталарни ўқийман, — дей-

чиқиб газета танлайди. Кунни газета-журналларни кузатишдан бошлаш, бунинг аҳамияти ҳақида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик ўз фикрини шундай ифодалади:

— Аслида ҳар бир киши эрталаб тургандан сўнг қиладиган ишини бир каранча режалаштириб олади. Худди, шунингдек, инсон ўзини ҳам тафтиш қилиб олиши лозим. Бу тафтишни ислоҳ десак ҳам бўлади. Ислоҳ эса икки хил бўлади. Моддий ва маънавий ислоҳ.

олади ёки обуна бўлади. Одам дунёни таниши, ўзини билиши учун аввало ўқиши керак. Сўнгра ахборот юзасидан фикр юритиш, уни муҳокама қилиб кўриш лозим. Ана шунда маънавиятга таъсир қилади.

Гулноз МҲМИНОВА, радиожурналист:

— Эрта тонг маънавий қувват олишнинг айна вақтидир. Чунки тонгда инсон онги тиниққан, чарчокдан холи бўлади. Кўп йиллар олдин Фарбада хабарлар ёзилган сутли кутичалар сотилган. Истеъмолчилар сут билан бирга хабарларни ҳам сотиб олишган. Бу орқали улар эътибори, фикри янгиликка қаратилган. Биз ҳам ахборот тарқатишнинг турли самарали йўларини излаб кўришимиз керак. Жангари руҳдаги кино ва мультфильмлар, компьютер ўйинлари таъсирга тушиб қолаётган болаларни, ёшларни ўз ёшига муносиб нашрларни, китобларни ўқишга ўргатишимиз зарур.

Малика ТОҲИЕВА, «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти Тошкент почтамти филиалининг обуна участкаси бошлиғи:

— Ижтимоий-сиёсий газеталарга асосан корхоналар, ташкилотлар, давлат идоралари обуна бўлади. Бу газеталарга аҳолидан хусусий обуна кам. Лекин обуначиларнинг ўсиш даражаси йилдан-йилга кўпаймоқда. Юртдошларимиз аста-секин газетадан газетанинг фарқини ажратайти. Бундай дейишимга сабаб, одамлар маъзи пуч, фақатгина кўнгил очиш учунгина мўлжалланган нарсалардан кўра, фойдалироқ ахборотларни билишга вақт ажратиш афзаллигини англаяпти...

Сўнгги пайтларда ўқишдан, изланишдан йироқлашаётган ёшлар ҳақидаги мулоҳазалар тез-тез гапириладиган бўлиб қолган. Нега шундай? Нега кўпчилигимиз фойдалидан кўра, бейфойда нарсаларга кўп вақт соғураимиз? Имкониятимиз бўлатуриб, маълумимизнинг бир қисмини нега газета ёки журнал обунасига сарф қилмаймиз?

Бунинг сабаблари ҳам, ечим ҳам халқимизнинг бир мақолига бориб тақалади: «Қуш уясида кўрганини қилади».

Нилуфар НАЗАРОВА

МАЪНАВИЙ ОЛАМНИ БОЙИТИШ

МОДДИЙ ЭҲТИЁЖНИ ҚОНДИРИШДАН АФЗАЛДИР

навий-маърифий ишларимизнинг асосий шарты ва мезони бўлиши даркор.


Шу маънода, ахборот оламидаги устунлик кўп нарсани ҳал этадиган бугунги вазиятда мустақил онг ва мустақил фикрга эга бўлган шахсни тарбиялаш масаласи нафақат маънавий, керак бўлса, муҳим сиёсий аҳамият касб этади.

Бу ўта муҳим вазифани амалга оширишда таълим-тарбия тизими, ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий масалалар билан шуғулланадиган идоралар, давлат ва нодавлат ташкилотлар, сиёсий партиялар ўз ҳиссасини қўшишлари табиий, албатта, лекин бу борада оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва таъсир кучи бекиёс, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Дарҳақиқат, таъкидланганидек оммавий ахборот воситаларининг таъсир кучи бекиёс. Бугунги кунда ахборот олишнинг турли манбалари яратилган. Аммо, улар орасида босма оммавий ахборот воситаларининг ўрни ўзига хос.

Хўш, бугун юртдошларимиз газета ўқиш масаласига қандай муносабатда? Шу саволга жавоб олиш мақсадида пойтахтимиз кўчаларида сўров ўтказиб, юртдошларимизнинг фикрларини ўрганишга ҳаракат қилдик.

Дилдора ИБРОҲИМОВА, 19 ёш: — Мен фақатгина газеталардан ахборот олиш



ман. Нигора ХҲЖАЕВА, 45 ёш: — «Ўзбекистон овози» газетасини ва аёлларга ихтисослашган «Келинчак», «Саодат» журналларини ўқийман.

Машҳура СУЛТОНОВА, 22 ёш: — «Халқ сўзи», «Туркистон» газетаси ҳамда «Жаннатмакон» журнални кўпроқ ўқийман.

Дилмурод РИЗАЕВ, 26 ёш: — Базан ҳуқуқий газеталарни ўқийман. Лекин ҳар кунни эмас.

Умида ҒУЛОМОВА, 24 ёш: — Мен газета ўқишдан кўра, телевизор томоша қилишни маъқул кўраман.

Тошкент шаҳрининг Ҳамза туманидаги Янгибод теле-

моддий ислоҳга ҳалол лўкма билан таомланиш кирса, маънавий ислоҳ ҳар бир дақиқани яхши амаллар билан ўтказишидир. Яхши инсонлар суҳбатида бўлиш, имкон қадар эзулик қилиш...

Албатта эзуликни шакллантиришда бизнинг энг катта ёрдамчимиз, ҳамроҳимиз турли адабиётлар ва ОАВ ҳисобланади. Кундалик нашрлар орқали эса керакли ахборотлар билан онгни, дунёқарашни кенгайтириб бориш имконияти туғилади. Бундан ташқари, матбуот ҳаётини муаммоларнинг

ечимини топишга ёрдамлашади. Шунинг учун матбуот бизга энг яхши маслаҳатгўй бўлиши лозим. Уйғун РҲЗИЕВ, «Туркистон» газетаси бош муҳаррири ўринбосари: — Кўпйинча нонушта пайтида радио эшитамиз ёки телевизор томоша қиламиз. Лекин ниманидир яхши англамай қолганимиз мумкин. Шу томонларини эътиборга оладиган бўлсак, газетанинг афзаллиги яққол сезилади. Газеталарнинг аксарияти эрталаб сотувга чиқади. Ҳаётимиздаги ўзгариш ва янгиликларга берафқ бўлмаган одам албатта газета ўқийди. Сотиб

ди нафақахўр Фотима Нурова. — Уларда берилаётган ҳикояларга қизиқаман. Ҳаётимизда тез-тез учраб турадиган муҳаббат можаролари, қайнона-келин муносабатларига бағишлангани учун ҳам ўқиб бораман.

— Аслида тонгни газета ўқишдан бошлайман, — дейди матбуот тарқатувчи Муқаддас Абдусамодова. — Ўзим ҳар кунни турли нашрларни кузатиб бораман. Ижтимоий-сиёсий газеталардан бошланган «тафтишим» кўнгилочар газеталарга келиб тўхтайдим. Газеталарнинг қизиқиши ҳар хил. Ҳар ким ўз касби, ёши, дунёқарашидан келиб

СПОРТ SPORT СПОРТ СПОРТ SPORT СПОРТ СПОРТ

Техрон(Эрон)да байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича XIII Осиё чемпионати баҳслари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси жами 9 та олтин, 11 та кумуш ва 8 та бронза медалларини қўлга киритди

МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

Айниқса, қизлар ўртасида ўтказилган баҳсларда ҳамюртимиз Юлия Борзова-нинг қайд этган натижалари таҳсинга лойиқ. Байдаркачимиз 5000 метр масофага эшак эшиш бўйича яхшилик баҳсида маррага биринчи бўлиб етиб қолди. 200 ҳамда 500 метр масофада ўтказилган мусобақада Юлия Борзова кумуш медаллар билан тақдирланди.

5000 метр масофани жуфтлик баҳсларида биринчи бўлиб босиб ўтган Мария Мехеда ҳамда Виктория Петришиналар эса шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олдилар. 200 ва 500 метр масофага эшак эшиш бўйича ҳам Юлия Борзова, Мария Мехеда, Виктория Петришина ҳамда Екатерина Шубиналар қвартетга тенг келадигани топилмади.

Виктория Петришина ҳамда Екатерина Шубиналар жуфтлик баҳсларида биринчи бўлиб етиб қолган бўлса, Мария Мехеда ҳамда Екатерина Шубина жуфтлик (200 м.), Юлия Борзова, Мария Мехеда, Ксения Полупина ҳамда Ольга Умаралиева (1000 м.) Осиё чемпионатининг бронза медалларига муносиб кўрилди.

Мусобақа якунида туртта олтин учта кумуш ва иккита



бронза медалларини қўлга киритган байдаркачи қизларимиз умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгалладилар.

Мазкур нуфузли мусобақада йигитларимиз эришган кўрсаткичлар ҳам қизларимизникидан қолишмади. Жумладан, 200 ва 5000 метр масофага эшак эшиш бўйича Сергей Борзов ҳамда Алексей Бобононовлар жуфтлик олтин медални қўлга киритди. 500 метр масофага эшак эшишда айнан ушбу жуфтлик маррага иккинчи бўлиб етиб қолди. Шунингдек, Алексей Мочалов, Владимир Осокин, Алексей Питяков, Вячеслав Горн (500 м.) ҳамда Алексей Бабаджанов, Сергей Борзов, Алексей Мочалов, Вячеслав Горн (200 м.) қвартетлари ҳам Осиё чемпионатида

энг юқори кўрсаткичларни қайд этиб, олтин медаллар билан қайтишди.

Яккалик баҳсларда яна бир ҳамюртимиз Алексей Мочалов 200 метрга эшак эшишда кумуш медал билан тақдирланди. Бундан ташқари, Вячеслав Горн 5000 метр масофага эшак эшиш мусобақаларида кучли учликдан жой олди. Алексей Бобононов, Сергей Борзов, Алексей Мочалов, Алексей Питяковлар қвартети ҳам (1000 м.) яна бир бор бронза медалига лойиқ топилди.

Шундай қилиб, туртта олтин, иккита кумуш ва иккита бронза медалини қўлга киритган мамлакатимизнинг эркаклар жамоаси умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни банд этдилар. Эркин ХОЛБОБО

АЛУШТА ДУНЁ ПОЛВОНЛАРИНИ ЧОРЛАМОҚДА

9-11 октябрь кунлари Украинанинг Алушта шаҳрида кураш бўйича VII жаҳон чемпионати бўлиб ўтади. Унда дунёнинг олтиндан эиёб давлатидан энг сара полвонлар голиблик учун гиламга чиқиши кутилмоқда. Мазкур нуфузли мусобақада ўн тўрт нафар курашчи юртимиз шарафини химоя қилади.

— Жаҳон чемпионатида кураш ватани вакилларининг юқори кўрсаткичларни қайд этишлари жуда муҳим, — дейди терма жамоамиз бош мураббийи Олимжон Ҳайитов. — Шу боис, мусобақага энг кучли таркиб билан боришга қарор қилганмиз. Жумладан, Алушта шаҳрида ўтадиган беллашуварда эркаклар ўртасида ўқтам Эргашев (60 кг.), Сухроб Худойбердиев (66 кг.),

Яхё Имомов (73 кг.), Шароф Холмаматов (81 кг.), Шерали Жўраев (90 кг.), Давлат Чориев (100 кг.), Шухрат Муродов (+100 кг.), қизлар ўртасида эса Муқаддас Кубеева (48 кг.), Шохидат Назарова (52 кг.), Муҳайё Сатторова (57 кг.), Уғилой Муродова (63 кг.), Рушана Бекмуродова (70 кг.), Сохибжамол Холиқулова (78 кг.) ҳамда Гулмира Исмаилова (83 кг.) гиламга тушади.

Эслатиб ўтамиз, кураш бўйича жаҳон чемпионати футбол стадионида ўтказилади. Мусобақа ташкилотчилари беллашуварни Алуштадаги ўн беш минг томошабинга мўлжалланган «Спартак» стадионида ташкил этишни режалаштиришган.

НИМЧОРАК ФИНАЛ УЧРАШУВЛАРИ

Футбол бўйича Мисрда ёшлар ўртасида ўтказилаётган жаҳон чемпионати қизгин давом этмоқда

Мусобақанинг гуруҳ баҳслари учинчи турида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Англия футболчиларига қарши майдонга тушди. Мазкур ўйинда мухлисларимиз ҳамюртларимиз галабасига умид қилишганди. Унда футболчимиз Иван Нагаев ҳисобни очган бўлса-да, учрашув туғашига икки дақиқа қолганида англияликлар ўртадаги мунозабатни тиклашди — 1:1. Агар ушбу ўйинда Аҳмад Убайдуллаев бош мураббийлик қилаётган терма жамоамиз 2:0

ҳисобида зафар қўнганда «плей-офф» баҳсларига йўллана оларди. Афсуски, вакилларимиз жаҳон чемпионатида бир очко жамғариб, гуруҳда учинчи ўринни эгаллашди. «Д» гуруҳи етакчилари Гана — Уругвай ёшлар терма жамоалари баҳсида ҳам дуранг қайд қилинди — 2:2.

Сўнгги турнинг қолган ўйинлари қуйидагича якунланди: Германия — Камерун — 3:0, Жанубий Корея — АҚШ — 3:0 («»), Коста-Рика — Чехия — 2:3, Австралия — Бразилия —

1:3 («Е»), Венгрия — БАА — 2:0, ЖАР — Гондурас — 2:0 («F»).

Кеча мусобақанинг нимчорак финал учрашувларида Испания — Италия, Парагвай — Жанубий Корея ёшлар терма жамоалари ўзаро куч синишди. Бугун эса Гана — ЖАР, Миср — Коста-Рика, Венгрия — Чехия футболчилари майдонга тушишди. Эртага ўтказиладиган Бразилия — Уругвай, Венесуэла — БАА, Германия — Нигерия терма жамоалари баҳсларидан сўнг барча чорак финалчилар номи маълум бўлади.

Advertisement for BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV, listing staff names like Abdulla Oripov, Latif Gulomov, Asiliddin Rustamov, Bobir Alimov, Sharbat Abdullayeva, Murodulla Abdullayev, Ulug'bek Mustafayev, Tat'yana Kistanova, G'affor Hotamov, Muslihidin Muhiddinov, Svetlana Gerasimova, Andrey Kustov, Ochilboy Ramatov, Saidahmad Rahimov, and contact information for various departments.